



1994—4233 ISSN

# Филология Масалалари

• ИЛМИЙ-МЕТОДИК  
ЖУРНАЛ



2009/2(22)

**МУНДАРИЖА****АДАБИЁТШУНОСЛИК**

<b>Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА.</b> Ҳамд ғазаллар бадиияти.....	3
<b>Соҳиба УМАРОВА.</b> “Мажолис ун-нафоис” нашрининг етук намунаси .....	10
<b>Албина РАХМАНОВА.</b> XX аср романчилигига янгича тафаккур....	15

**ТИЛШУНОСЛИК**

<b>Аминжон МАМАТОВ.</b> Ке- ўзакли баъзи сўзлар тарихига доир кузатишлар.....	19
<b>Салимахон РУСТАМИЙ.</b> Тил эстетикасига оид муҳим бир масала.....	23
<b>Маҳмуджон ҲАСАНОВ.</b> Тилларниң морфологик таснифида морфонологик хусусиятларниң ўрни.....	27
<b>Носиржон УЛУҚОВ.</b> Гидрономика ўрганадиган масалалар .....	31
<b>Панайот ПОЛТАВСКИЙ.</b> «Фаол» грамматика тушунчаси хусусида.....	37

**ТУРКИЙШУНОСЛИК**

<b>Ноиба МАМАДАЛИЕВА, Икромиддин ОСТОНАҚУЛОВ.</b> “Тазкират ул-авлиёи туркий”нинг тили ва матн хусусиятлари .....	41
---	----

**МЕТОДИКА**

<b>Лайлохон АҲМЕДОВА.</b> Жадваллар ёрдамида талабалар мустақил ишини ташкил қилиш .....	45
<b>Гулнора МАҲҚАМОВА.</b> Филология факултетларида инглиз тилидан амалий машғулотлар пайтида маданий омилларни ўргатиши .....	49

**ТАРЖИМАШУНОСЛИК**

<b>Носир ҚАМБАРОВ.</b> Лексик-стилистик усуллар таржима бирлиги сифатида .....	55
<b>Нинел ВЛАДИМИРОВА.</b> Асрлар ва йиллар оралаб.....	59

**ЖУРНАЛИСТИКА**

<b>Ёқут МАМАТОВА.</b> Демократик янгиланиш шароитида журналистика-нинг вазифалари.....	64
--	----

**Соҳиба УМАРОВА**

## “МАЖОЛИС УН-НАФОИС” НАШРИНИНГ ЕТУК НАМУНАСИ

Мақолада Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкираси илмий-танқидий матнининг тайёрланиши ҳақида фикр юритилади.

В статье исследуется создание научно-критического текста “Мажолис ун-нафоис” Алишера Навои.

This article is about preparing scientific-critical text of “Madjalis un-nafais” by Alisher Navoi.

Алишер Навоий изходини ўрганиш шоир ҳаётлигига бошланган. Гарчи XX асртаги анъанавий ҳисобланган адабиётшуносликда тавсифийлик хусусиятлари сезилса-да, у муайян шоир ижоди ҳақида тасаввур ҳосил қилишда қимматли манба саналади. Ижодкор маҳоратини тан олиш ёки унинг ижодини тарғиб этишининг ўзи ҳам илмий ёндашишdir. Шарқдаги бу хил қарашлар илмий-бадиий талқинлар деб баҳоланганди. Ўттан асрга келиб мумтоз адабиётимиз тарихини янгича йўналишда текшириш Навоий ҳаёти, ижодини ўрганиш ва оммалаштириш ишларини янги босқичга кўтарди. Улуғ шоир адабий ва илмий меросини тадқиқ этишда ўзбек адабиётшунослари эришган ютуқлар ибратлидир. XX асрнинг 40-йилларидан Навоий асарлари илмий-оммавий нашрларини чоп эттириш, илмий-танқидий матнларини яратиш ишлари бошланди. Дастлаб С. Муталибов “Ҳайрат ул-аброр”, Ф. Каримов “Лайли ва Мажнун”нинг илмий-танқидий матнларини тайёрладилар. 1949 йили И. Султонов “Мезон ул-авzon”нинг, П. Шамсиев “Сабъаи сайёр”(1956) ва “Фарҳод ва Ширин”(1959)нинг илмий-танқидий матнларини нашр эттирдилар. Навоийнинг илмий-насрий асарларини ўрганишда адабиётшунос, шарқшунос ва матншунос Сўйима Фаниеванинг муносаб ўрни бор. Олим “Мажолис ун-нафоис”нинг илмий-танқидий матнини тайёрлади, тазкиранинг ёзилиш тарихи билан боғлиқ мунозарали масалага аниқлик киритди. Асар 1490-1491 йили ёзилган, 1498 йили эса шоирнинг ўзи тазкирани иккинчи марта қайта ишлаб, таҳrir этган, деган илмий холосасини асослади. “Мажолис ун-нафоис”нинг илмий-танқидий матни С. Фаниеванинг кўпийиллик илмий изланишлари самарасидир. Адабиётшунос 1956 йили Ленинград университетидаги “Мажолис ун-нафоис”нинг III ва IV мажлислари илмий-танқидий матни ва адабий таҳлили” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган бўлса, 1959 йили тўрт жилдлик “Ўзбек адабиёти” (хрестоматия ўрнида) кито-

бининг 2-жилдига “Мажолис ун-нафоис”дан парчаларни тайёрлаган. Китобда 20 шоир ҳақида маълумот берилган. Тазкиранинг кейинги нашрлари 1961 йилги илмий-танқидий матни асосида яратилган, ушбу нашрнинг изоҳ ва шарҳлари С. Фаниева томонидан қайта ишланган (14, 15).

Навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметовнинг ёзишича, “Мажолис” биринчи марта 1917 йили Тошкентда Муҳаммад Салим деган киши томонидан литографияда нашр этилган (6, 54). Тазкира бошқа асарлар билан бирга тўплам таркибида босмадан чиқкан. Бу босма нашр тазкиранинг биринчи таҳрир нусхасидан чоп этилган, унда 338 шоир ҳақида маълумот жамланган, ҳар мажлис сўнгидаги хотималар келтирилмаган. Султон Ҳусайн Бойқарога ба-нишланган “Саккизинчи мажлис” ҳам тазкиранинг аввалги таҳририга хос. “Мажолис ун-нафоис”нинг иккинчи нашри Навоий юбилейи муносабати билан 1948 йили кирилл алифбосида “Муҳокамат ул-луғатайн” асари билан бирга чоп этилади (7). Тазкиранинг ушбу нашрини Ойбек ва Порсо Шамсиев тайёрлаганлар. Нашрнинг қайси қўлёзма асосида тайёрланганлиги кўрсатилмаган. Бизнингча, илмий-оммавий нашр ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган “Мажолис ун-нафоис” нусхаларидан бири асосида чоп этилган. Мазкур китоб Алишер Навоий асарларининг кенг китобхонлар оммасига етказилишида қимматли ишлардан ҳисобланади.

1961 йили “Фан” нашриётида “Мажолис ун-нафоис” асарининг илмий-танқидий матни нашр этилди. Асарнинг илмий-танқидий матнини тайёрланган С. Фаниева уни археографик кириш билан эълон қилган. Тазкиранинг матни араб ёзувида берилган. “Мажолис ун-нафоис”нинг илмий-танқидий матни учун Вена, Париж, Ленинград, Боку ва иккита Тошкент нусхалари асос қилиб олинган. Олима илмий-танқидий матн тайёрлашда яна бир қанча қўлёзмаларни ўрганади. Лекин бошқа нусхалар тўла бўлмаганлиги, саводсиз ва ҷалқаш кўчирилганлиги, камчиликлар мавжудлиги боис матн тузишда С. Фаниева улардан фойдаланишни жоиз деб билмайди. Илмий-танқидий матнни тайёрлашда таянч сифатида олинган Вена нусхаси бошқаларига қаранганды энг тўлиқ ва қадими ҳисобланиб, 903/1497-98 йили кўчирилган. Матншунос хаттотлар ишининг барчасига синчковлик билан илмий ёндан ади ва танқидий танлаб олиш принципи асосида матн тузади. Баъзан асосга олинган манба ҳам рад этилиб, асарнинг мазмунидан келиб чиқиб, керакли ўринларда бошқа асос нусхалар қабул қилинган. “Илмий-танқидий матн тузишдан мақсад асарнинг ҳар қандай шубҳа ва нуқсонлардан холи бўлган мустаҳкам ва ишончли, имкони борича муаллиф қалами остидан чиқкан нусхасини тиклаш ва уни ўқувчи ҳамда тадқиқотчиларга етказишидир”, – деб ёзди С. Фаниева (4, 26).

Тазкиранинг қўлёзма нусхаларини ўрганиш давомида матншунос унинг икки хил варианти борлигини аниқлайди. Асарнинг иккинчи таҳририни

котиб эмас, Навоийнинг ўзи амалга оширган ва тазкирага кейин киритилган шоирлар асарнинг охирига ёки дуч келган жойига эмас, балки тазкиранавис талаби билан мажлисларга жойлаштирилганлигини аниқлади. Бу билан тили, услуги ва композицион қурилиши жиҳатидан тазкиранинг биринчи ва иккинчи таҳрири тамоман бир хил, деган фикрга келади. Адабиётшунос асарнинг иккинчи таҳрири ҳақидаги илмий хуносасини далиллаш мақсадида тарихий маълумотларга мурожаат этади. Жумладан, олима 1490-1491 йили Абдураҳмон Жомий ҳаёт бўлгани, шунинг учун ҳам биринчи таҳрирдаги “Учинчи мажлис” Паҳлавон Котибнинг бир газали матлаъси билан якун топганини, “Мажолис ун-нафоис”нинг иккинчи таҳририда эса шоир дўстининг хотирасини ёдлаб, бир рубоий билан “Учинчи мажлис”ни якунлаганини кўрсатади ва тазкира 1498 йили Алишер Навоийнинг ўзи томонидан қайта тўлдирилганлигини илмий асослайди(2, 11—12).

Асарнинг илмий-оммавий нашрида 355, илмий-танқидий матнида 459 ижодкор ҳақида маълумот бор. Маълум бўладики, 1948 йилги нашр ҳам тазкиранинг биринчи таҳрир китобати асосида тайёрланган. Шоирлар сонидаги фарқдан ташқари иккинчи таҳрир билан биринчи таҳрир ўртасида баъзи қўшимча ва ўзгаришлар ҳам учрайди. Учинчи мажлисда Навоий Жомийнинг Хожа Муҳаммад Таёбодий исмли мулоғизми ҳақида ёзади. Унинг назмдан бир байт билмаслигини ва насрдан бир нуқта фаҳм этмаслигини келтиради. Биринчи нашрда “Боракаллоҳ, камоли қобилият шунча бўлғай!” деган сўзлар билан Жомий ҳақидаги фикрани муҳтасар якунлаган(7, 64). Иккинчи таҳрирда эса воқеа давом эттирилган ва бир байт ҳам келтирилган(2, 84). Матн тузиш жараёнида 1945 йили Техронда Алиасғар Ҳикмат томонидан напр этилган “Мажолис ун-нафоис”нинг форсча таржималари, Абдулваҳобнинг 1908–1909 йилги тошбосма нусхаси ҳамда 1948 йилги илмий-оммавий нашрга мурожаат қилинган. Асарнинг илмий-танқидий матнини тайёрлаш жараёнида олима кенг қамровли илмий изланиш олиб боради. Форсий таржималарни ўрганаар экан, матншунос “у даврларда таржима қилиш иши бирмунча бошқачароқ тушунилган. Таржимон матнни истаганча қисқартириб ё ўзгартириб, баъзан тўлдириб кетаверган”(4, 14) деб ёзади ва таржималарга оригинал асар ҳақида умумий тушунча бера оладиган янги китоб сифатида қаралганини айтади. С. Фаниева ношир Алиасғар Ҳикматнинг таржималарни нашрга тайёрлашда ихтиёрида бўлган “Мажолис ун-нафоис”нинг учта қўлёзма нусхаси билан муқояса қилиб иш тутганлигига эътибор қаратади.

Асар илмий-танқидий матнини яратишнинг талаблари бор. Бу — бадиий асар матнини тиклаш, тўғри ўқиши, қўлёзмалар матни тарихини ўрганиш кабилардир. “Матн тарихини ўрганишдан мақсад фақат илмий-танқидий матн яратиш, матнни нашр қилишигина бўлиб қолмай, балки уни адабиётшунослик, манбашунослик жиҳатидан таҳлил этиш учун ҳам керак бўлишидир”(3, 23).

Тазкирада Хондамир ҳақида Навоий: “Мавлоно Хондамир Мирхондинг фарзандидур ва салоҳиятлиқ йигитдур. Тарих фанида маҳорати бор. “Накий” отига бу муаммо аниңдурким...”, — деган сўзларни келтиради (2, 145 — 146). Асарнинг Ленинградда сақлананаётган қўлёзма нусхасида Хондамир Мирхондинг “ўғлидур” деб ёзилган (2, 145). Шу ўринда С. Фаниева баъзи мулҳазали масалаларга ойдинлик киритади. Жумладан, илмий-танқидий матнинг кириш қисмида Садриддин Айний Хондамир Мирхондинг ўғли, тожикистонлик олим БобожонFaфуров жияни, мутаржим Faхрий Xиротий ҳам шундай хulosага келиб хатога йўл қўйғанлиги ҳақида ёзилган. Лекин С. Фаниева бошқача илмий хulosага келади: “Бу ҳақда Хондамир “Ҳабиб ус-сиyr” асарида Хондоҳ ҳақида (арабча ёзувдагиси ҳам берилган): ... яъни Сайд Бурҳониддин Хондоҳ, ул ҳазратдан З ўғил қолган. Амир Хондмуҳаммад ушбу варақларни ёзувчи онасининг ҳурматли отасидур”, — деб ёзган эди (“Ҳабиб ус-сиyr”. Бўмбай, 1857, 2-том, 198-бет) (4, 8). С. Фаниева тарихий маълумотта оид масалага эътиборни жалб этган ва илмий мушоҳадасини тасдиқлаб аниқ манбани келтирган. Адабиётшунос томонидан аниқланган Хондамир ҳақидаги илмий шарҳ ўз моҳиятини сақлаган ва бугунги илмий-тадқиқотлар учун таянч манба бўлган. “Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида” да ҳам шундай ёзилган: “Хондамир — Фиёсиддин Муҳаммад ибн Хоҷа Ҳумомуддин ибн Хоҷа Жалолуддин Муҳаммад ибн Бурҳонуддин Муҳаммад Шерозий тарихчи. Она томондан Мирхондинг набираси ва шогирди” (5, 461).

“Мажолис ун-нафоис”нинг илмий-танқидий матнини кенг жамоатчилик эътироф этади (8, 23; 9, 46). Асарнинг форсий таржималарини ўрганган олимлардан Р. Воҳидов “Мажолис ун-нафоис” асарини тадқиқ этишда, унинг илмий-танқидий ва оммабоп нашрларини тайёрлашда С. Фаниеванинг хизматларини алоҳида тарькидлайди: “С. Фаниева, шунингдек, “Мажолис ун-нафоис”нинг ёзилиш тарихи, адабий-эстетик аҳамияти, таржималари устида ҳам муҳим фикрлар билдириган” (10, 5). 1962 йили Берлинда Ирмгард Энгельке “Мажолис ун-нафоис”нинг немис тилидаги нашрини 1961 йилги ўзбек тилидаги илмий-танқидий матни асосида чоп этишга тайёрлади (11). 1968 йили Кобулда Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний чоп эттирган “Девони Султон Ҳусайн мирзо” китобида ҳам “Мажолис ун-нафоис”нинг илмий-танқидий матнидаги 8-мажлиси тўлалигича берилган (12, 3 — 46). Турк адабиётшуноси Камол Эраслон “Мажолис ун-нафоис”нинг сўзбошицида С. Фаниеванинг: Навоий тазкирани 1491 йили ёзиб, 1498 йили қайта тўлдириган, деган илмий хulosасини қувватлайди (13, 104).

Хуллас, ўзбек адабиётшуносларининг илмий-тадқиқотлари маҳсус ўрганилмоқда. Аммо илмий-оммавий нашр ва илмий-танқидий матн тузиш ишларини маҳсус тадқиқ этиш долзарб масалалардан бўлиб қолаётир. Шу жи-

хатдан бугунги кун Сўйима Фаниева тадқиқотларида кўтарилиган масалаларни маҳсус ўрганиш ҳамда адабиётшуносининг матншунослик ва манбашунослик фаолиятини монографик йўналишида ёритишни талаоб этади. Биз бу ўринда олима илмий фаолиятининг баязи томонларига эътиборни қаратдик, холос.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Т.: Фан, 1959.
2. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. – Т.: Фан, 1961.
3. Эркинов А. Матншуносликка кириш. – Т.: Республика таълим маркази, 1997.
4. Фаниева С. Давр адабий ҳаёти кўзгуси: археографик кириш. Алишер Навоий. “Мажолис ун-нафоис” асарининг илмий-танқидий матни. – Т.: Фан, 1961.
5. Ўзбекистон Миллый энциклопедияси. – Т., 2005.
6. Ҳайитметов А. “Мажолис ун-нафоис” ҳақида баязи мулоҳазалар//“Тил ва адабиёт масалалари”, 1958, I-сон.
7. Алишер Навоий. Танланган асарлар. III том. – Т., 1948.
8. Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986.
9. Эшонхўжаев Ш. Алишер Навоий асарларининг илмий-танқидий текстлари//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тонгент, 1968.
10. Воҳидов Р. “Мажолисун-нафоис”нинг таржималари. – Т.: Фан, 1984.
11. Қаранг: В.Носов. Дўстлик натижасида туғилган капифиёт// Қизил Ўзбекистон, 1963 йил, 24 январ.
12. Девони Султон Ҳусайн мирзо. Напрга тайёрловчи Мухаммад Яъқуб Воҳидий Журжоний. – Кобул, 1968.
13. Ali-sir Nevayi. Mecalisu'n-nefayis(Giris ve Metin). 1-kitab. Hazirlayan Prof. Dr. Kemal Eraslan. — Ankara: Turk dil Kurumu Yayınlari, 2001.
14. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. 15 томлик, 12-том. – Т., 1966.
15. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. 20 томлик, 13-том. – Т.: Фан, 1997.